

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Одил Хасанов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
тадқиқотчи-изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568621>

Экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари алоҳида ўринни эгаллайди. Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти деганда, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини қўллаш, экологик ҳуқуқбузарликлар сабабларини аниқлаш ва уларни огоҳлантириш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича фаолияти тушунилади.

Экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ички ишлар органларининг асосий вазифалари сирасига қуйидагилар тааллуқли бўлади: жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария ва ободонлаштириш талабларини бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш; туман санитария-эпидемиология марказлари билан ҳамкорликда шаҳар ҳудуди санитария ҳолати, яъни шаҳар кўчалари, корхона, муассаса, ташкилот ҳудудлари тозаллиги ва тартибини таъминлаш, уй ҳайвонларини қатъий белгиланган жойларда сайр қилинишини таъминлаш, аҳлатларни фақат махсус ажратилган жойларга ташланишини назорат қилиш, аҳлатни ўз вақтида олиб кетилишини назорат қилиш масалаларини ҳал этиш; дарахтлар, буталар, ўрмон ўсимликлари ва ёш ниҳолларни сақланишни назорат қилишни амалга ошириш; ўзбошимчалик билан қурилишлар барпо этилишига йўл қўймаслик; аҳоли ўртасида санитария ва ободонлаштириш талабларига риоя этилиши зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш ва бошқалар.

Ички ишлар ходимлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидаларини бажарилиши устидан назорат қилиш, белгиланган санитария нормалари ва қоидаларини бузганликда айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни моддий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш, санитария қоидаларига риоя этилиши амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонунда белгиланган жазо чораларини қўллаш ваколатларига эгадирлар.

Ички ишлар органлари белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқномалар асосида фаолият юритадилар. Унга кўра участка инспекторлари кўчалар, ҳовлилар ва бошқа ҳудудларнинг санитария ҳолати сақланишини назорат қилишни таъминлашда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам берадилар, эпидемия ҳолатларида ветеринария назорати органларига кўмаклашадилар, яшил зоналарнинг муҳофаза қилиш, атроф табиий муҳитни ифлосланишидан ҳимоя қилиш, браконьерчиликка, ов ва балиқ овлаш қоидаларини бузганликка қарши курашиш тадбирларини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилиш органларига ёрдам берадилар. Ички ишлар органлари шартнома асосида давлат аҳамиятидаги объектларни, яъни сув ҳавзалари, балиқ заҳиралари, яшил ўсимликлар, парклар, давлат қўриқхоналари, табиат ёдгорликларини қўриқлашда муҳим вазифаларни амалда таъминлайдилар.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари соҳасидаги фаолиятлари маълум ташкилий-ҳуқуқий шаклларда олиб борилади. Ички ишлар

органларининг табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари соҳасидаги фаолиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари хусусида экологияга оид махсус илмий адабиётларда турли хил фикрлар учрайди. Чунончи, А.А.Примаченок ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига табиат бойликларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш, браконьерлар ва ов қилиш, балиқ тутиш қоидаларини бузганларга қарши курашиш, шаҳар дам олиш жойлари, пляжлар сақланиши санитария қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда тегишли органлар билан ҳамкорлик қилишни киритади [1].

В.В.Меркуловнинг фикрига кўра, милициянинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни мувофиқлаштириб бориш ҳамда табиатга зарар етказадиган ҳатти-ҳаракатлар пайини қирқиш кўринишида бўлади [2].

Экология ҳуқуқига доир бошқа илмий манбаларда бу муаммо хусусида бошқача ёндошувлар ҳам учрайди. Масалан, В.М.Горшенонинг ёзишича, ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари аниқлашга ҳаракат қилаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қандай мустақил турларга эга бўлиши мумкинлиги фикридан четлашиш лозим. Қуйидагиларни шундай мустақил турлар деб аташ мумкин: а) назорат-контрол фаолияти; б) ҳуқуқ нормаларининг ижро этилишини таъминлаш борасидаги фаолият (ҳуқуқни таъминлаш); в) ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш борасидаги фаолият; г) ижро бўйича фаолият (давлат мажбурловини амалга ошириш) [3].

Бу масалага тўхталиб, Б.Х.Калонов ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари: экологик назорат (контрол); экологик ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (шу жумладан тезкор қидирув фаолияти); табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик; муҳофазанинг шартномавий шаклидан иборат [4], деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Г.И.Азаров, В.И.Волковлар ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини табиатни муҳофаза қилиш органларига назорат қилишда ҳамкорлик этиш вазифасини ажратиб кўрсатадилар [5]. В.В.Петров ички ишлар органлари экологик функциясини 4 та шаклда амалга оширилишини таъкидлайди: кўриқлаш-ҳамкорлик, муҳофаза-назорат, кўриқлаш-шартномавий, тартибга солиш [6].

Бизнинг фикримизча, ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўлиб экологик назорат, экологик ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш, табиатни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш, кўриқлаш-шартномавий шакллари ҳисобланади.

Ички ишлар органларнинг экологик ҳуқуқ тартиботни таъминлашдаги фаолияти назорат шаклида олиб борилиб, улар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат, сув ҳайвонларини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат, аҳоли пунктларида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат.

Экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятининг яна бир шакли табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳисобланади. Экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ички ишлар органлари томонидан фавқулотда экологик вазиятларда амалга ошириладиган фаолият алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, кемирувчи ҳайвонлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганда, ҳўжасиз(эгасиз) итлар, мушуклар, уй паррандалари ва бошқа ҳайвонлар пайдо бўлганда, ахлатхоналар ва уларнинг атрофларига уйиб ташланган озиқ-овқат махсулотлари узоқ вақт олиб кетилмаганлиги сабабли ачиб-бижғиб, турли касалликлар келтириб чиқариш хавфини туғдирганда эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади; радиация хавфи, яъни нурланиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда одамларнинг ва транспорт воситаларининг чекланган ҳаракатини таъминлаш учун ҳимоя ва назорат-рухсатнома режимини ўрнатади; нурланган предметлар ва бузилган озиқ-овқат махсулотларини ифлосланган ҳудудлардан олиб чиқиб кетилишига йўл қўймайди ва ҳ.к.

Экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш функцияси муҳим аҳамият касб этади. ЙХХХ экологик ҳуқуқ тартиботни таъминлашга қаратилган қўйидаги ваколатларни амалга оширади: атмосфера ҳавосининг автомобиль транспорти воситалари томонидан ифлосланишининг олдини олишга қаратилган тушунтириш ва огоҳлантириш билан боғлиқ чораларини белгилаш; атмосфера ҳавосига белгиланган норматив ва стандарт даражасидан юқори бўлган ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлиги учун транспорт воситасини бошқаришни чеклаш, тўхтатиб қўйиш, бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш. Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонунчилиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш, автомобил транспорти томонидан атмосфера ҳавосига етказилаётган таъсир ва зарарни камайтириш, аҳолининг экологик маданиятини оширишга қаратилган профилактик тадбирлар тизимини амалга ошириш ва бошқалар ушбу органнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги органларнинг экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида амалга оширадиган функциялари ва мажбуриятларига мулкчилик шаклидан қатъий назар барча мулк шакллари муҳофаза қилиш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, жамоат тартибини, шу жумладан экологик тартибни муҳофаза қилиш, карантин, санитария ва экологик тадбирларда иштирок этиш кабилар ҳам тааллуқлидир.

Махсус илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ички ишлар органларига техник ҳолати атроф муҳитга хавф туғдирадиган транспорт воситаларидан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, ички ишлар органларига гиёҳвандлик воситалари олинадиган ўсимликлар ёввойи ҳолда ўсиб ётадиган далаларга, балиқларнинг қимматбаҳо турлари яшайдиган ва увилдириқ ташлайдиган сув хавзалари бўйларига, миллий боғлар ва давлат кўрикхоналари

худудларига тегишли ижроия органлари ва мансабдор шахслар қарорлари бўйича назорат пунктлари ўрнатиш ҳуқуқи берилган [7].

ЙХХХ экологик ҳуқуқ тартиботни таъминлашда муҳим вазифани адо этади. Атмосфера ҳавоси ҳолатини назорат қилиб бориш, транспорт воситалари чиқарадиган газлардан атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, шовқинга кураш, ҳаракатланиш воситалари, автотранспорт корхоналари чиқарадиган ҳар хил мойлар, бензин, нефть қолдиқлари билан сув ҳавзаларининг ифлосланишиги йўл қўймаслик уларнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади. Экологик ҳуқуқ тартиботни таъминлашда ЙХХХ органлари ходимлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар: мулкчилик шаклидан қатъий барча транспорт корхоналари тўсиқсиз кириб кўриш ҳамда мансабдор шахслар ва фуқаролардан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида ўрнатилган қоидалар, нормативлар ва андозаларга (стандартларга) риоя қилишни талаб этиш; ушбу соҳада ўрнатилган қоидалар, нормативлар ва стандартларнинг бузилганлигини бартараф этиш тўғрисида мансабдор шахслар ва фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, бундай кўрсатмалар бўйича тегишли чоралар кўрилмаган тақдирда айбдор шахсларни қонунчиликда назарда тутилган тарзда жавобгарликка тортиш; транспорт корхоналаридан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалаларига тааллуқли ҳужжатлар, материаллар ва маълумотларни талаб қилиб олиш; конструкцияси ва техник ҳолатлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қоидалар, нормативлар ва андозалар талабларига мос келмайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш; қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини қўлга олиш ва уларни вақтинча ушлаб туриш мақсадида махсус тўхташ жойларига келтириш; протоколлар тузиш ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарларга нисбатан белгиланган тартибда амалдаги қонунчиликда назарда тутилган маъмурий жазо чораларини қўллаш; транспорт корхоналари раҳбарларига транспорт воситаларини ишга яроқли ҳолатда сақлаш бўйича тавсиялар бериш.

Шундай қилиб, ЙХХХ органлари ўзларининг экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш фаолиятини унга йўналишда: биринчидан, атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган нормативларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш; иккинчидан, автотототранспорт воситалари учун белгилаб қўйилган шовқин чиқариш даражасига риоя қилиниши устидан назорат қилиш; учинчидан, атроф табиий муҳитни автотранспортнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга риоя қилиниши устидан назорат йўналишларида олиб борадилар.

Экологик ҳуқуқ тартиботни таъминлашда ички ишлар органлари бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, рухсатнома бериш (масалан, қурол олиб юришга рухсатнома бериш), нотўғри (ёлғон) кўрсатма берганлик учун юклатиладиган жавобгарлик хусусида огоҳлантириш, қўлга олиш (камоққа олиш), маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш каби усуллар ва услублардан фойдаланадилар.

Ички ишлар органларининг экологик ҳуқуқ тартиботни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу

фаолиятни тартибга солишга бағишланган экологик қонунчиликда бир қатор бўшлиқлар мавжуд. Шунинг учун экология қонунчилигини ички ишлар органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги функцияларини белгиловчи қоидалар билан тўлдириш зарурияти туғилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида ички ишлар органларининг экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ваколатлари белгиланмаган. Ҳудди шундай фикрни соҳа экология қонунлари тўғрисида ҳам билдириш мумкин. Шу сабабдан, ушбу қонунларни ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини белгиловчи нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Примечанок А.А. Человек и его право на безопасную (здоровую) окружающую среду //Государство и право, 1993. 10-сон, 120-бет;
2. Меркулов В.В. Законодательные основы природоохранительной деятельности органов МВД. – Рязань, 1983, 17-бет;
3. Горшенев В.М. Способы и организационные формы правового регулирования в обществе. – М., 1972, 182-бет;
4. Калонов Б.Х. Давлат экологик назоратини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2001;
5. Азаров Г.И., Волков В.И. Организационно-правовые вопросы охраны окружающей среды. – Киев, 1976, 93-бет;
6. Петров В.В. Экологическое право России. – М., 1995, 374-бет;
7. Калонов Б.Х. Давлат экологик назоратини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2001, 92-бет.